
Мамадали ТОПИБОЛДИЕВ: Афсонавий қаҳрамонни хотирлаб

18 февраль куни Шарқий ҳарбий округ қўшинлари ҳарбий хизматчилари, туман Нурунийлари ва ёшлари Фарғона вилоятининг Риштон туманидаги Зоҳидон қишлоғида туғилиб ўсган, мард ва жасур ўзбек ўғлони, Иккинчи жаҳон урушининг афсонавий жангчиси, Совет иттифоқи қаҳрамони Мамадали Топиболдиевни қишлоғига хотирлаш учун борилди.

Дастлаб, қаҳрамон учун очилган музейга борилди.



Музейда қаҳрамоннинг урушдаги фаолияти, хизматдош разведкачи дўстларининг расмлари, унинг жангдаги эътирофи қайд этилган мактублар, фотосуратлари, урушдан қайтганидан кейинги фаолияти акс этган суратлари билан танишдилар.



Туман фахрийларни қўллаб-қувватлаш Нурунийлар жамғармаси раиси ва қишлоқ оқсоқоллари йиғилганларга Мамадали Топиболдиевнинг урушдаги қаҳрамонликлари ҳамда кейинги фаолияти ҳақида қизиқарли маълумотлар бериб ўтишди.



Шундан сўнг, хотирлаш учун келган меҳмонлар Мамадали Топиболдиевни хонадонда бўлиб, фарзанди ва набиралари билан дилдан суҳбатлашди.

Сўнгра, хотирлаш тадбирлари қаҳрамоннинг бюсти ўрнатилган 27-умумтаълим мактабида давом этди.

Шарқий ҳарбий округ матбуот хизмати

2020-02-19 05:57:38